# ШАРТНОМА № 10

Чорток шахар 2022й. "24" Июнь

Амалдаги Низом асосида иш кўрувчи, кейинчалик "Етказиб берувчи" деб юритилувчи **"MEGA STAR SAVDO SENTER" МЧЖ** номидан иш кўрувчи **Отатиллаев Абдубакир Акрамжонович** бир томондан ва амалдаги Устав асосида иш кўрувчи, кейинчалик "Харидор" деб юритилувчи Чорток туман хокимлиги номидан бюджет ташкилоти рахбари А.Отаходжаев иккинчи томондан мазкур шартномани куйидагилар тўгрисида туздилар:

## I. ШАРТНОМА МАВЗУСИ

1.1. "Етказиб берувчи" мазкур шартнома бўйича "Харидор га " ўзаро келишилган микдорда ва муддатларда шартноманинг умумий киймати ошмаган суммадаги Курилиш материаллари (кейинги ўринларда "товар" деб юритилади)ни етказиб бериш. Етказиб бериладиган товарларнинг шартнома тузиш вактидаги микдори, нархи ва етказиб бериш муддати куйидагича белгиланган.

| № | Махсулотлар номи | Ўлчов бирлиги | Микдори | Нархи | Жаъми Суммаси | НДС | | Умумий суммаси |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | | | | | | Фоиз (%) | Суммаси | |
| 1 | Насос ЭЦВ 10-63-110 | Дона | 1 | 13478261 | 13478261 | 15 | 2021739 | 15500000 |
| 2 | Насос ЭЦВ 10-63-110 | Дона | 1 | 11739130 | 11739130 | 15 | 1760870 | 13500000 |
| 3 | Сув идиши 8м3 | Дона | 1 | 13477391 | 13469565 | 15 | 2020435 | 15490000 |
| | ЖАЪМИ | | | | 38694782 | | 5804218 | 44490000 |

## ШАРТНОМАНИНГ БАХОСИ ВА ХИСОБ-КИТОБ ТАРТИБИ

2.1. Мазкур шартноманинг бахоси **Жами: 44 490 000 (Кирк турт миллион турт юз туксон минг )** сўмни ташкил этади.

2.2. "Харидор" олинадиган товарлар учун амалдаги конунчиликда кўрсатилган микдордан кам бўлмаган, яъни __30__ фоиз аванс тўловини олдиндан "Етказиб берувчи" хисоб ракамига ўтказиб беради.

2.3. "Етказиб берувчи" тегишли даврда томонларнинг ўзаро келишувига мувофик белгиланган микдорда ва аванс тўловидан сўнг 15 кун муддат ичида товарларни "Харидор"га етказиб беради.

2.4. "Харидор" такдим этилган хужжатларга асосан 90 кундан ортик бўлмаган муддатларда узил-кесил хисоб-китоб килади.

2.5. Етказиб берилган махсулотлар учун пул ўтказиш йўли билан накд пулсиз тартибда хисоб-китоб килинади.

2.6. Олинадиган махсулотлар нархи учун "Харидор" жавоб беради.

## III. ТОМОНЛАРНИНГ ХУКУК ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

3.1. "Харидор"нинг хукук ва мажбуриятлари:

"Етказиб берувчи"дан шартномани бажариш учун зарур бўлган амалдаги давлат стандартлари ва бошка норматив хужжатлар билан таъминлашни талаб килиш;

"Етказиб берувчи"дан мазкур шартномага мувофик бериладиган буюртманомага мувофик тегишли сифат, ассортиментдаги махсулотлари етказиб берилишини талаб килиш;

Етказиб бериладиган махсулотлар кийматини хакконийлиги «Харидор» зиммасида булади.

3.2. "Етказиб берувчи" куйидаги хукук ва мажбуриятларга эга:

Етказиб берилган махсулотлари учун олдиндан хак тўланишини ва амалдаги конун хужжатларида белгиланган тартибда ва хажмда узил-кесил хисоб килинишини "Харидор"дан талаб килиш;

Махсулотларни мазкур шартномага асосан "Харидор" буюртманомасига мувофик муддатлар, сифат ва микдорда етказиб бериш.

## IV. ШАРТНОМАНИНГ БАЖАРИЛИШИ

4.1. Шартнома мазкур шартнома ва конун хужжатлари шартлари ва талабларига мувофик зарур тарзда бажарилиши керак. Агар томонлар ўз зиммаларига кабул килинган барча мажбуриятлар бажарилишини таъминласа, шартнома бажарилган деб хисобланади.

4.2. Шартнома бажарилишини бир томонлама рад этишга ёки шартнома шартларини бир томонлама ўзгартиришга йўл кўйилмайди, конун хужжатларда белгиланган холлар бундан мустасно.

4.3. "Харидор" илгари берилган буюртманомани бекор килишга ёхуд махсулотларининг тегишли туркумларини етказиб бериш санасини ўзгартиришга хакли,бу хакда "Етказиб берувчи"ни буюртманомада кўрсатилган сана бошланишидан камида 3 кун олдин хабардор килади.

## V. ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

5.1. Товарларни етказиб бериш кечиктирилган ёки тўлик етказиб берилмаган такдирда "Етказиб берувчи" "Харидор"га кечиктирилган хар бир кун учун мажбурият бажарилмаган кисмининг _0.01__ фоизи микдорида пеня тўлайди, бирок бунда пенянинг умумий суммаси етказиб берилмаган товарлар кийматининг __0.01___фоизидан ортик бўлмаслиги керак.

5.2. Етказиб берилган товарлар учун ўз вактида хак тўланмаганда "Харидор" "Етказиб берувчи"га муддати кечиктирилган хар бир кун учун ...ктирилган тўлов суммасининг _0.01_____ фоизи микдорида пеня тўлайди, бирок бу кечиктирилган тўлов суммасининг __0.01___ фоизидан ортик ...лмаслиги керак.

5.3. Пеня тўланиши шартнома мажбуриятларини бузган томонни шартномани зарур тарзда бажаришдан ва товар етказиб бериш муддати кечиктирилиши ёки тўлик етказиб берилмаслиги туфайли етказилган зарарлар копланишидан озод этмайди.

## VI. НИЗОЛАРНИ ХАЛ ЭТИШ ТАРТИБИ

6.1. Келишмовчиликлар ва низоли масалалар келиб чикан такдирда, томонлар, коидага кўра, мустакил равишда уларни судгача хал этиш чораларини кўрадилар.

6.2. Томонлар келишмовчиликлар ва низоларни хал этиш учун бевосита судга мурожаат килишга хаклидир.

6.3. Форс-мажор холати, яъни томонларга боглик булмаган холатлар ( ёнгин, сув тошкини шу каби енгиб булмайдиган кучлар ) юз берган такдирда мажбуриятлар бажарилмаганлиги учун жавобгарликдан озод этилади.

## VII. ШАРТНОМАНИНГ АМАЛ ҚИЛИШИ

7.1. Мазкур шартнома «Харидор» ва «Етказиб берувчи» томонидан тасдилангандан сўнг хамда Худудий Газначилик булинмаси томонидан руйхатдан утгандан сунг кучга киради ва **2022 йил « 31 » декабрга** кадар амал килади.

7.2. Томонлар ўртасидаги муносабатлар улар томонидан мазкур шартноманинг барча шартлари бажарилган ва хисоб-китоб тўлик тугалланган такдирда тўхтатилади.

## VIII. ЯКУНИЙ ҚОИДАЛАР

8.1. Мазкур шартнома томонларнинг келишувига кўра ёки бошка томон шартнома шартларини жиддий равишда бузган такдирда, томонлардан бирининг талаби бўйича суд тартибида бекор килиниши мумкин.

8.2. Мазкур шартномага хар кандай ўзгартириш ва кўшимчалар улар ёзма шаклда содир этилиши ва томонларнинг бунга зарур даражада вакил килинган вакиллари томонидан имзоланиши шарти билан хакикий хисобланади.

8.3. Мазкур шартнома икки нусхада тузилади. Шартноманинг барча нусхалари тенг юридик кучга эгадир.

## XI. ТОМОНЛАРНИНГ МАНЗИЛИ ВА БАНК РЕКВИЗИТЛАРИ:

«Етказиб берувчи»
"MEGA STAR SAVDO SENTER" МЧЖ
Адрес : Чорток ш.Юксалиш МФЙ Ешлик кучаси

Тел: +998995100012 факс:
х/р 20208000705181886001
Банк номи: АТБ Агро банк Чорток филиали

МФО :00256
ИНН :[illegible]

Рахбар ____________________ А.Отатиллаев.
(Ф.И.Ш) (имзо)
М.У.

З. Қосимов
№ 006645

«Буюртмачи»
**Чорток туман хокимлиги**
Адрес: Чорток шахар Истиклол хиёбони 24 уй

Тел./факс 694121315
х/в* 100022860142367013990018003
ИНН 201765735

ОКОНХ 97200
Узб. Рес. Молия Вазирлиги Газначилиги
Ғазна х/в 23402000300100001010

Банкнинг номи Марказий банк Тошкент МФО 00014
газначилик бўлинмаси СТИРИ 201122919

**Рахбар** ____________________ **А.Отаходжаев**
(Ф.И.Ш) (имзо)

Солиқ солиш объектлари ҳамда солиқ
солиш билан боғлиқ объектлар тўғрисидаги
маълумотлар базасини шакллантириш ва
юритиш тартиби тўғрисидаги
низомга 6-илова

# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ СОЛИҚ ҚЎМИТАСИ
# ГОСУДАРСТВЕННЫЙ НАЛОГОВЫЙ КОМИТЕТ РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН

Солиқ тўловчининг Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитасида рўйхатга олинганлиги ва унга идентификация рақами берилганлиги тўғрисида

## ГУВОҲНОМА

## УДОСТОВЕРЕНИЕ

о регистрации в Государственном налоговом комитете Республики Узбекистан и присвоении идентификационного номера налогоплательщику

### СОЛИҚ ТЎЛОВЧИ - ЮРИДИК ШАХС
### НАЛОГОПЛАТЕЛЬЩИК - ЮРИДИЧЕСКОЕ ЛИЦО

| | |
|---|---|
| Тўлиқ номи:<br>Полное наименование: | "MEGA STAR SAVDO SENTER"<br>MAS'ULIYATI CHEKLANGAN JAMIYAT |
| Қисқача номи:<br>Краткое наименование: | "MEGA STAR SAVDO SENTER" MCHJ |

Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитасида рўйхатга олинди ва унга қуйидаги солиқ тўловчи идентификация рақами (СТИР) берилди:

Зарегистрирован в Государственном налоговом комитете Республики Узбекистан и ему присвоен идентификационный номер налогоплательщика (ИНН):

| | | |
|---|---|---|
| 307147697 | СТИР берилган сана:<br>Дата присвоения ИНН: | 18.02.2020 |
| Рўйхатга олинган ДСИ:<br>Зарегистрирован в ГНИ: | | Чорток тумани |

Ушбу Гувоҳнома Давлат солиқ қўмитасининг интернетдаги расмий сайти орқали шакллантирилган ва чоп этилган

Данное Удостверение сформировано и распечатано через официальный сайт Государственного налогового комитета

| | |
|---|---|
| Гувоҳнома чоп этилган сана:<br>Дата распечатки удостоверения: | 22.06.2022 14:46:47 |

# O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI NAMANGAN VILOYATI CHORTOQ TUMANI HOKIMINING

# FARMOYISHI

161000, Chortoq shahri Istiqlol hiyoboni ko'chasi 24 uy

2022 - yil 29 - aprel 49-6-88-F/22 Chortoq tuman hokimligi

**Туманда оғир шароитдаги маҳалла фукаролар йиғинларида ичимлик суви таъминотини яхшилаш ҳамда фаолият юритувчи хоким ёрдамчиларига зарур оргтехника жихозлари сотиб олиш учун маблағлар ажратиш тўғрисида**

Ўзбекистон Республикаси Бюджет кодексининг 126-моддасига асосан, халк депутатлари Наманган вилоят Кенгашининг 2022 йил 24 январдаги VI-31-40-6-0-К/22-сонли карорини туманда ижросини таъминлаш мақсадида, Ўзбекистон Республикаси "Маҳаллий давлат хокимияти тўғрисида"ги конунининг 6,25- моддаларига мувофик:

1. Халк депутатлари Наманган вилоят Кенгашининг 2021 йил 22 январдаги VI-31-40-6-0-К/22-сонли карори ижро учун рахбарлик ва амалда бажариш учун кабул килинсин.

2. Халқ депутатлари Наманган вилоят Кенгашининг қарори билан:

Туманда оғир шароитдаги маҳалла фукаролар йиғинларида ичимлик суви таъминотини яхшилаш учун Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Худудларни комплекс ижтимоий-иктисодий ривожлантириш бўйича секторлар фаолиятини янада такомиллаштиришга доир кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида" ПҚ-4102-сонли карорига асосан, Чортоқ туман маҳаллий бюджетига Наманган вилоят маҳаллий бюджетининг 2022 йил 1-чорак даромадлар режасини ошириб бажарилган кисми хисобидан 1 030 000,0 (бир миллиард ўттиз миллион) минг сўм ҳамда тумандаги маҳалла фукаролар йиғинларида фаолият юритувчи хоким ёрдамчиларига зарур оргтехника жихозлари сотиб олиш харажатлари учун 2022 йил бошига шаклланган эркин колдиқ маблағлари вилоят маҳаллий бюджетидан туман маҳаллий бюджетига 563 357 (беш юз олтмиш уч миллион уч юз эллик етти) минг сўм, ҳаммаси бўлиб 1 593 357 (бир миллиард беш юз тўксон уч миллион уч юз эллик етти) минг сўм маблағлар туман хокимлигига йўналтирилганлиги;

туман хокимлигига маблағлар йўналтириш юзасидан туман хокимининг тегишли фармойишини кабул килиш вазифалари юклатилганлиги;

Наманган вилоят хокимлигининг Молия бош бошкармаси бошлиғи (З.Бахриддиновга) ажратилган маблағларни Чортоқ туман маҳаллий бюджетига ўрнатилган тартибда ўтказиб бериш, вилоят бўйича ғазначилик бошкармаси

бошлиги (А.Тўраев)га тўловларни ўрнатилган тартибда ва ўз вактида амалга ошириш хамда вилоят давлат молиявий назорат бошкармаси бошлиги (Ф.Салохитдинов)га ажратилган маблағлардан максадли фойдаланилишини назорат килиб бориш вазифалари топширилганлиги маълумот ва ижро учун кабул килинсин.

3. Туман хокимининг биринчи ўринбосари (А.Умурзаков) хамда туман хокимлигининг бош хисобчиси (А.Боймирзаев)ларга:

молиялаштириш манбасини очиш учун белгиланган тартибда тегишли хужжатларни молия ва газначилик органларига такдим этилишини ташкил этиш;

ажратилган маблағлардан тўғри, максадли ва самарали сарфланишини таъминлаш вазифалари юклатилсин.

4. Туман молия бўлими (Д.Вахобов)га белгиланган тартибда туман хокимлиги сметасига ўзгартириш киритиш хамда мазкур маблағларни туман хокимлигига ўтказиб бериш, туман газначилик бўлими (Ф.Кахборов)га тўловларни ўрнатилган тартибда ва ўз вактида амалга ошириш вазифалари топширилсин.

5. Ушбу фармойишнинг бажарилишини назорат килиш туман хокимининг биринчи ўринбосари А.Умурзаков зиммасига юклансин.

Туман хокими А.Отаходжаев